

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 517-ҳадис

517 - وَعَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: رَهَنَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دِرْعَةً بِشَعِيرٍ، وَمَشَيْتُ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِحُبْنِ شَعِيرٍ، وَإِهَالَةٌ سَنِحَّةٌ، وَلَقَدْ سَمِعْتُهُ يَقُولُ: «مَا أَصْبَحَ لَأَلِ مُحَمَّدٍ صَاعٌ وَلَا أَمْسَى وَإِكْمُ لَتِسْعَةُ أَيَّامٍ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ [2508].

«إِهَالَةٌ» بِكَسْرِ الْهَمْزَةِ: الشَّحْمُ الدَّائِبُ، وَ«السَّنِحَّةُ» بِالْتُّونِ وَالْخَاءِ الْمُعْجَمَةِ، وَهِيَ: الْمُتَعَيِّرَةُ.

517. Анасдан розияллоху анху ривоят қилинади.

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам қанчадир арпа эвазига совутларини гаровга қўйганлар. Мен Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг олдилариға арпа нон ва сал ҳидланган эритилган ёғ олиб келганман. У зотнинг «Мұхаммаднинг – соллаллоху алайҳи васаллам – **оиласида әрталаб ҳам, кечки пайт ҳам бир соъдан ортиқ нарса бўлмайди**», деяётганларини эшигтанман. Ҳолбуки, улар тўққизта хонадон эдилар».

И мом Бухорий ривояти.

Шарҳ: Ушбу ҳадисдан Пайғамбар алайҳиссаломни тавозуълари, зуҳдлари, қурбилари етган ҳолда дунёдан озига ҳам рози бўлишлари тушунилмоқда. Ундан ташқари у зот ва оилалари рўзғорнинг танглигига сабр қилиш ва озига қаноатли бўлишганини ҳам кўрсатмоқда.

Ибн Ҳажар «Фатҳул Борий» китобида уламолардан нақл қилиб айтадилар:

«Расулуллоҳ с.а.в. бадавлат саҳобалар турганида яҳудий билан муомала қилишларидаги ҳикмат шуки, бу каби муомалани жоиз эканини саҳобаларга билдириш ёки саҳобалардан олсалар унга ҳақ олмасдан текинга беришларидан чўчиганликлари сабаб бўлиши мумкин.

Жоҳилият вақтида ҳам гаров қўйиш бор эди. Аммо гаров қўювчи белгиланган вақтда пулни топиб бера олмаса, мол эгаси гаровга қўйилган нарсани ўзиники қилиб олар эди. Исломда эса бу ҳукмга адолатли равища ўзгартириш киритилди. Агар гаровга нарса қўйган одам белгиланган вақтда пулни топиб бера олмаса, у гаровга қўйган нарсасини сотиб пулни беради ва ортиб қолганини ўзи олади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафот этган вақтларида ҳам урушга киядиган совутлари у кишига насияга таом сотган тожирнинг олдида гаров сифатида туриши нимага далолат қиласи? У Зотнинг жуда ҳам содда ва оддий ҳаёт кечиргандар ҳамда аҳли аёллари нафақаси учун ўз меҳнатлари ила молга эришишга урингандарини кўрсатади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан олдин Ислом Арабистон Ярим оролига тарқалиб бўлиб, дунёга танилган давлатга айланган эди. Агар у Зот хоҳласалар, дунё оёқлари остига тўшалар эди. Лекин у Зот буни хоҳламадилар. Оддий ҳаёт кечиришда давом этдилар. Оилаларини боқишига қийналиб, таом олишга пул топа олмай, совутларини гаровга қўйиб йигирма соъ таом олган ҳолларида вафот этдилар. Бу ҳақиқатни у Зотнинг умматлари доимо тушунмоғи керак.

Манба: hadis.islom.uz

